
ҚУВАСОЙ ШАҲРИДА "CROWN CERAMIC" МЧЖ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН КЕРАМОГРАНИТ ПЛИТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ЖАДАЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан биргаликда бу ерда бўлиб, жараён билан танишдилар. Хитойлик инвестор амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Бугунги кунда корхонада қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган бўлиб, яқин кунларда дастгоҳларни ўрнатиш бошланади. Лойиҳанинг умумий қиймати 40 млн. доллар бўлиб, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 7,5 млн. метр квадрат.

Корхонани янги йилнинг биринчи чорагида ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, 400 та янги иш ўринлари яратилади. Шунингдек, бу ерда шоу рум, ўқув маркази, ошхона, ётоқхона ҳам қурилмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-25 08:54:38